

ИННОВАЦИОН УСУЛЛАРНИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЎРГАТИШДА ҚЎЛЛАШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Sh.H. To'xtasinova - talaba

Namangan muhandislik-texnologiya unstituti, Namangan

Аннотация: Ушбу мақолада бугунги кунда долзарб ҳисобланган ўкув жараёни тизими самарадорлигини ошириш усуллари ва воситалари сифатида инновацион усуллар ва хусусан, ҳамкорликда ишлаш технологиялари таҳлил этилган. Информатика ва ахборот технологиялари фанини ўқитиш учун аниқ мисоллар ва ундан кутиладиган натижалар тавсия қилинган.

Kalit so'zlar: Axborot, zamонавиј та'lim, ta'lim tizimi, pedagogik mahorat, interfaol usullar, usulni qo'llash, kontentlar, samaradorlik.

Ҳар бир жамиятнинг келажаги унинг ажралмас қисми ва ҳаётий зарурати бўлган таълим тизимининг қай даражада ривожланганлиги билан белгиланади. Бугунги кунда мустақил тараққиёт йўлидан бораётган мамлакатимизнинг узлуксиз таълим тизимини ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш, янги сифат босқичига кўтариш, унга илғор педагогик ва **ахборот** технологияларини жорий қилиш ҳамда таълим самарадорлигини ошириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Таълимнинг бугунги **вазифаси** ўқувчиларни кун сайин ошиб бораётган ахборот- таълим муҳити шароитида **мустақил равишда фаолият** қўрсата олишга, турли соҳаларда замонавиј ахборот технологияларини самарали қўллаш ва ахборот оқимиidan оқилона фойдаланишга ўргатишдан иборат экан бунинг учун уларга узлуксиз равишда **мустақил ишлаш имконияти** ва шароитини яратиб бериш ҳамда ижодий фикрлаш ва мустақил қарорлар қабул қилишга ўргатиш зарурдир. Бу масаланинг ечими эса табиий равишда мазкур жараённинг асосий ташкилотчиси педагог-кадрларнинг тайёрлов сифатига боғлиқдир.

Бугун давлатимиз ёшлар орасидан замон талаблари даражасида билимга эга бўлган юқори малакали кадрларни кутмоқда. Зероки, замонавиј инновацион технологияларни эгаллаган, янги таълим технологияларидан амалий иш фаолиятида фойдалана оладиган етук мутахассислар бугунги кунда мамлакатимиз қудратини мустаҳкамлашга қаратилган барча иқтисодий ва маънавиј соҳалар учун жуда зарурдир. Тайёрланаётган кадрларнинг малакали бўлиши эса бевосита уларнинг дарс машғулотлари жараёнида билим, кўникма ва малакаларни нечоғли ўзлаштирганларига боғлиқдир.

Шу вақтгача анъанавий таълимда талабаларни фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатиб келинган эди. Бундай усул талабаларда мустақил фикрлаш, ижодий изланиш, ташаббускорликни сўндирап эди. Педагог - олимлар йиллар давомида таълим тизимида ‘Нега ўқитамиз? Нимани ўқитамиз? Қандай ўқитамиз?’ саволларига жавоб излаш билан бир қаторда “Қандай қилиб самарали ва натижали ўқитиш мумкин?” - деган саволига ҳам жавоб қидирдилар. Бу эса, олим ва амалиётчиларни ўқув жараёнини технологиялаштиришга, яъни ўқитишни ишлаб - чиқаришга оид аниқ кафолатланган натижа берадиган технологик жараёнга айлантиришга уриниб кўриш мумкин, деган фикрга олиб келди.

Хозирги кунда ҳамма соҳалар учун зарур бўлган замонавий ахборот технологияларини эгаллашга қаратилган “Информатика ва АТ” фани самарали ўқитиляптими? Битиувчилар касб фаолияти соҳалари учун зарур бўлган автоматлаштирилган ахборот тизимларини бошқариш малакаларига эгами? Ахборот технологияларини ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари нимада? Қайси усуллар фанни ўқитишда самаралироқ ва натижавийроқ бўлиши мумкин? Қуйида ана шу саволларга муайян жавоблар ва аниқ тавсиялар келтирилади.

Бакалавр бугунги кунда таълим соҳасини эгаллар экан, келгуси касб-фаолиятида замонавий дастурний, техник, ташкилий ва коммуникатив воситалардан самарали фойдалана олиш компетенцияларига эга бўлиши, хусусан:

-замонавий тарақкий этган жамиятда ахборот ва ахборот технологияларининг ўрнини билиши;

-ахборотни бошқариш воситаси сифатида ахборотларни олиш, йиғиш, қайта ишлаш ва ҳавфсизлигини таъминлаш кўникмаларига эга бўлиши;

-глобал компьютер тармоқларида ишлаш ва улар орқали иш жараёнини янги ахборотлар билан бойитиш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаши талаб этилади.

Жамиятнинг ахборотлашуви таълим тизимида узлуксиз инновацияларни талаб этади. Бугун ҳар қандай услуб дарҳол эскириши ва янги методлар билан бойитилиши мумкин.

Дунёнинг турли мамлакатларида кўплаб тадқиқотчилар таълимда инновацияларни қўллаш бўйича ҳар доим изланишлар олиб боришган. Улар “инновация”, “интерфаол усуллар”, “инновацион технологиялар” тўғрисида яхши ахборотлар йиғишган. Бироқ ахборот технологияларини таълим муассасаларида ўргатиш самарадорлигини орттириш бўйича аниқ тавсиялар етарли эмас.

Шунинг учун асосий **мақсад** муайян йўналиш фанларини ўқитишда юқори даражада ўзлаштириш натижаларига эришишни таъминловчи инновацион технологиялардан фойдаланишнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш,

хусусан, бутунги кунда замон талаб этаётган ахборот технологиялари бўйича педагогик инновациялардан фойдаланиш масалаларини тадқиқ этишдан иборатдир.

“Инновация” тушунчаси (лот. novus-янги) тадқиқотларда ва илмий ишларда XIX асрларда қўлланила бошланиб, олдинги вақтларда у алоҳида элементларни бир соҳадан бошқа соҳага киритишни ифодалаган[1].

Инновация тушунчаси доимо бир хил маънода таърифланмайди, қўп ҳолларда у “янгилик киритиш” тушунчаси сифатида, “инновацион жараён” тушунчаси эса янгилик яратиш ва уларни ўзлаштириш ҳамда таълим муассасаси амалиётида самарали қўллашни ифодалайди.

Таълим жараённига инновацияларни қўллаш бугунги кунда қуйидаги вазифаларни амалга оширишни талаб этади:

- ✓ ўқув фанининг аниқ мақсадини аниқлаш;
- ✓ фаннинг ҳажмини ва мазмунини аниқлаш;
- ✓ зарур бўлган таълим технологияларини ишлаб чиқиш ва тавсия этиш;
- ✓ фаннинг моддий ва техник таъминотини яратиш;
- ✓ таълим олувчиларнинг хусусиятларини ўрганиш;
- ✓ ўқитувчининг тайёргарлиги ва дарс машғулотини лойиҳалаш.

Юқоридаги вазифалар ичида энг муҳими бу ўқув жараёнини ташкил этиш учун энг мақбул бўлган таълим технологияларини ишлаб чиқишидир. Бу муаммоларни у ёки бу аниқ бир усулни тавсия этиш билан ҳал этиш бўлмайди, айниқса педагог репродуктив таълим усулларини қўллашни мақсад қилган бўлса. Мақсадга эришишнинг энг тўғри йўли бу дарс машғулотини лойиҳалашда интеграллашган таълим технологияларини ишлаб чиқиш ва улардан дарснинг турли босқичларида самарали фойдаланиш имкониятларини излашдир.

Жуда самарали инновацион усуллардан бири бу ҳамкорликда ишлашдир. Ҳамкорликда ўқув жараёнини ташкил этишнинг асосий моҳияти шундан иборатки, унда барча ўқувчилар билиш жараёнига жалб қилинган бўлиб, эркин фикрлаш, таҳлил қилиш ва мантиқий фикр юритиш имкониятларига эга бўладилар. Бунда битта сўзга чиқувчининг, шунингдек битта фикрнинг бошқа фикрлар устидан доминантлик қилишлиги бартараф этилади. Ҳамкорликда ўқитиш жараёнида ўқувчилар танқидий фикрлашга, шарт-шароитларни ва тегишли ахборотни таҳлил қилиш асосида мураккаб муаммоларни ечишга, альтернатив фикрларни чамалаб кўришга, улаб ва асосли равишда қарорлар қабул қилишга, муҳокамаларда иштирок этишга, бошқалар билан мулоқот қилишга ўрганадилар. Гурухларда ишлаш ўқувчиларда мусобақа, рақобатчилик

кайфиятларини ривожлантириш орқали уларда ғолиб бўлиш, бунинг учун эса кўпроқ ўкиш, ўрганиш эҳтиёжларини пайдо бўлишига олиб келади.

Фойдаланган адабиётлар руйхати:

1. С.Т.Турғунов, Л.М.Мақсудова Педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш”, Тошкент, 2009 й.
2. К. Исманова. Амалий дарс машғулотларини инновацион усуслар ёрдамида ташкил этиш. Таълим муаммолари журнали. 2-сон, 2012 й.